

International Finance and Accounting

Volume 2019 | Issue 5

Article 16

10-1-2019

LOGISTICS SYSTEM IN TOURISM: FEATURES, FUNCTIONS AND OPPORTUNITIES

M. Tairova

Bukhara State University

F. Asadov

Bukhara State University

N. Aminova

Bukhara State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Tairova, M.; Asadov, F.; and Aminova, N. (2019) "LOGISTICS SYSTEM IN TOURISM: FEATURES, FUNCTIONS AND OPPORTUNITIES," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 5 , Article 16. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss5/16>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

LOGISTICS SYSTEM IN TOURISM: FEATURES, FUNCTIONS AND OPPORTUNITIES

The article emphasizes the importance of logistics in promoting tourism. The structure of the logistics system and the main functions of the logistics activity in tourism are presented. Opportunities for the introduction and effective use of logistics technologies in tourism are also presented.

Key words: tourism, logistics, logistics system, tourism product, production, distribution, storage, marketing.

Uzbekistan is one of the countries with the greatest tourism potential in the world. The country has all the necessary resources for the development of modern tourism industry, has favorable natural-climatic conditions and rich historical cultural heritage.

Gradual measures are being taken to develop tourism as one of the strategic sectors to diversify the national economy, accelerate the development of the regions, create new jobs, increase incomes and living standards, increase the investment attractiveness of the country.

In the conditions of innovative development of the economy, logistics is important in improving the international competitiveness of tourism, qualitative improvement of tourism services and products, and reducing the economic risk between tourist enterprises.

Logistics is the purposeful preparation, organization and management of the funds and services needed to achieve a particular goal. The purpose of logistics is to prepare a particular product or service at a minimum cost at a specific time.

Today, logistics has become one of the key business processes in developed countries. The logistics system accounts for 20-25% of GDP and a 1% loss in the system, resulting in a 10% reduction in production.

As logistics encompasses the entire structure of the enterprise, it also strengthens management and marketing relationships. World experience shows that logistics is most widely taught in the USA, it is used more fully in Germany, and the greatest benefits are gained in Japan.

For the uninterrupted operation of the enterprises, it is necessary to provide them with raw materials and to reach the consumers on time. The supply of raw materials to enterprises, the process of leaving the finished products and delivering them to consumers are carried out directly using logistics. You can see from the picture above that logistics is involved in the process of product development, storage, transportation, loading, marketing and consumption.

Tourism logistics is the planning, management, and delivery of tourist-ready products to the consumer in accordance with their interests and needs, as well as the transfer, storage and processing of relevant information in the process of developing the tour.

Managing a tourist business is a very complex process that requires the development of logistics systems to optimize economic flows and has a significant impact on the company's financial performance.

The logistics system of tourist enterprises consists of the following components:

- information - tourist planning, reception and processing of orders, demand forecasting;
- tourist transportation - choice of transport type and transport enterprise;
- tourist service personnel;
- service - logistics departments for the formation of types and customer service.

The information part of the logistics system envisages the implementation of the tourism planning process. This includes making orders, processing and analyzing existing demand, and forecasting potential demand. In the section of tourist transportation, the most appropriate type of transport will be served, and the transportation company that offers transportation services. Capacity, skills and experience of customer service personnel play an important role in the operation of logistics systems in tourism. The logistics system provides for the formation of types and the operation of logistics departments that provide various services to clients.

For the above-mentioned tourism businesses, there are several subsystems for logistics system components to operate. These are the tourism product subsystem, communications with transport organizations, hotel management subsystem, personnel management subsystem, information flow subsystem and financial subsystem.

In recent years, logistics is not only a material flow but also a service flow management activity. The flow of services in tourism includes transportation, lodging, tourist catering, excursion services, as well as translators and other services for travel purposes.

The main functions of logistics in tourism are the formation, promotion and sale of tourist products, optimization of routes and improvement of tourist movement and management of tourist product, organization of operative exchange of information between suppliers and consumers of tourism products; planning, forecasting and financial flow management.

In conclusion, the development of logistics activities in tourism will improve the quality of tourism services and the competitiveness of the tourism products produced. It is worth noting that widespread use of logistical technologies in tourism is a positive factor not only for tourism, but also for other sectors.

Effective use of logistics technologies in tourism will allow to:

- Creation of a unified system of control and accounting of the formation and movement of tourist products;
- Reducing the time spent on the formation, promotion and sale of tourism products;
- Automation of accounting and management of financial and information flows;
- Reducing travel time and improving customer service;
- reducing the amount of documents circulating in the system and reducing the number of errors in accounting and reporting documents, and so on.

**М.М.Таирова – БухДУ доценти, и.ф.н.
Ф.Ш.Асадов – БухДУ магистранти
Н.Б.Аминова – БухДУ талабаси**

ТУРИЗМДА ЛОГИСТИК ТИЗИМ: ХУСУСИЯТЛАРИ, ФУНКЦИЯЛАРИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ

Мақолада туризм соҳасининг ривожланишини таъминлашда логистиканинг аҳамияти ёритилган. Туризмда логистик тизимнинг таркибий тузилиши ва логистика фаолиятининг асосий функциялари келтирилган. Шунингдек, туризмда логистик технологияларни жорий қилиш ва улардан самарали фойдаланиш имкониятлари кўрсатилган.

Калит сўзлар: туризм, логистика, логистик тизим, туристик маҳсулот, ишлаб чиқариш, тарқатиш, сақлаш, маркетинг.

ЛОГИСТИЧЕСКАЯ СИСТЕМА В ТУРИЗМЕ: ОСОБЕННОСТИ, ФУНКЦИИ И ВОЗМОЖНОСТИ

В статье подчеркивается важность логистики в продвижении туризма. Представлена структура логистической системы и основные функции логистической деятельности в туризме. Также представлены возможности для внедрения и эффективного использования логистических технологий в туризме.

Ключевые слова: туризм, логистика, система логистики, туристический продукт, производство, распространение, хранение, маркетинг.

Кириш

Ўзбекистон туризм соҳасида жаҳондаги улкан салоҳиятга эга бўлган давлатлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда замонавий туризм индустриясини ривожлантириш учун барча зарурый манбалар мавжуд бўлиб, қулагай табиий-иклим шароитларига ва бой тарихий маданий меросга эга.

Мамлакатимизда туризмни миллий иқтисодиётни диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, ахолининг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишни таъминловчи стратегик тармоқлардан бири сифатида ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

“2010-2017 йиллар давомида туризм хизматлари экспорти ҳажми икки баравар ошди ва 2017 йилда 546,9 миллион АҚШ доллари, 2018 йилда эса - 1 041 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 2016 йилгача хорижий ташриф буюрувчилар сонининг ўсиш суръати ўртача йиллик 8 фоизни, 2017 йилда - 7 фоизни ташкил қилиб, 2,69 миллион нафардан ошди. 2018 йил якунлари бўйича республикага 5,3 миллион хорижий туристлар ташриф буюрди. Хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилишга қаратилган чоралар

кўрилгани натижасида, 2015 йилда 398 тани ташкил қилган туризм ташкилотлари сони 2018 йил якуни бўйича 950 тага, меҳмонхона хўжаликлари сони - 661 тадан 900 тага етди” [1].

Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш шароитида туризмнинг халқаро миқёсдаги рақобатбардошлигини ошириш, туристик хизматлар ва маҳсулотларни сифат жиҳатидан такомиллаштириш, туристик корхоналар ўртасидаги иқтисодий хавфни камайтиришда логистика муҳим аҳамиятга эга.

2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясида ҳам транспорт логистикасини ривожлантириш, ташки ва ички йўналишларни кенгайтириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш кўзда тутилган:

- йўловчилар ташувини ривожлантириш, шу жумладан доимий транспорт қатновини йўлга қўйиш, турли транспорт воситаларининг қулай туташ боғламаларини ташкил этиш, туризм марказларини бирлаштирувчи республика ва минтақавий аҳамиятга молик янги автомобиль йўлларини қуриш ва мавжудларни реконструкция қилиш, туташ йўл инфратузилмаси яхшилашга қаратилган давлатлараро шартномалар билан тасдиқланган дастурни шакллантириш,
- транспорт тарифларини оптималлаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- янги темир йўлларни қуриш ва мавжудларни такомиллаштириш, юқори тезликда ҳаракатланадиган электропоездлардан фойдаланишни кенгайтириш;
- сифатли транспорт хизматларини кўрсатиш учун транспорт воситаларининг ҳаракатланувчи таркибини мунтазам янгилаб бориш ва бошқалар.

Бугунги кундаги глобаллашув ҳамда иқтисодиётнинг интеграциялашуви шароитида туризм соҳасининг тараққиётини таъминлашда логистика ва логистик тизимлардан фойдаланишни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, долзарб вазифалардан биридир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Туризм соҳасини ривожлантириш иқтисодиётдаги доимий масалалардан бири ҳисобланади. Хориж олимларининг тадқиқот ишларида туризмни ривожлантиришда логистиканинг аҳамияти атрофлича ёритилган. Жумладан, Курбатов О.Н., Новиков Д.Т., Соколов И.А., Гвозденко А.А. [2] ва бошқаларнинг ишларида туризмнинг кўп қиррали эканлиги ҳамда логистика билан бевосита боғлиқлиги кўрсатилган.

Кейинги йилларда чоп этилган маҳаллий олимларнинг илмий ишларида ҳам туризм соҳасини ривожлантириш масалалари ёритилган. Сафарова Н.Н. иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига туризм соҳаси таъсирини баҳолаш усулларини такомиллаштиришни тадқиқ этган бўлса [3], Абиев Ж.Н. миллий иқтисодиётда туризм тармоғини ривожлантиришнинг иқтисодий жиҳатларини тадқиқ этган [4]. Дадабоев Қ.А., [6] Умарова Д.М., Бўронова М.А. [7] ларнинг илмий ишларида логистиканинг назарий-услубий асослари ёритилган бўлса,

Кориева Ё.К. ўз изланишларида транспорт логистикасини тадқиқ этган [8], тадбиркорлик логистикасининг ташкилий-бошқарув жиҳатлари [5] Таирова М.М. нинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Лекин бугунги қунгача туризмда логистика масалалари етарлича тадқиқ этилмаган. Шунинг учун ҳам туризм ва логистиканинг узвий боғлиқлиги, туризмни ривожлантиришда логистиканинг назарий ва амалий аҳамиятини ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Таҳлил ва натижалар

Логистика - маълум мақсадларни ҳал қилиш учун зарур бўлган маблағ ва хизматларни мақсадга мувофиқ равишда тайёрлаш, фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш бўлиб ҳисобланади. Логистиканинг мақсади эса маълум товарни ёки кўрсатиладиган хизматни маълум вақтда энг кам (минимал) харажатлар билан олдиндан тайёрлашдир.

Бугунги кунда логистика ривожланган мамлакатларнинг асосий бизнес жараёнларига айланиб улгурди. Логистика тизими бутун ялпи ички маҳсулотнинг 20-25 % улушига эга ҳисобланади ва бу тизимдаги 1 % лик йўқотиши, ишлаб чиқаришнинг 10 % га қисқаришига олиб келади.

Логистика корхонанинг бутун тузилишини қамраб олганлиги боис, менежмент ва маркетинг алоқаларини ҳам мустаҳкамлаб боради. Жаҳон тажрибасидан маълум бўлишича, логистика фан сифатида АҚШда энг кўп ўқитилади, енг кўп Германияда ишлатилади ҳамда энг кўп фойда Японияда олинади.

Ўзбекистонда ҳам ташқи иқтисодий фаолиятнинг тобора ривожланиб бориши билан халқаро логистик марказлар, халқаро иқтисодий муносабатларда уларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Мамлакатимизда логистика мустақилликдан олдин фақатгина ички бозор имкониятларига йўналтирилган бўлса, истиқлол даврларида унинг таркибий жиҳатдан кенгайтирилиб, такомиллаштирилди. Қисқа давр мобойнида логистик инфратузилманинг ўзига хос ривожланиш йўллари ҳам шакллантирилди. Амалга оширилган изчил чора-тадбирлар натижасида транспорт-коммуникация тизимлари барқарор ривожланмоқда, улар орқали ташилаётган юклар ҳажми ҳам тобора ортмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Юк ташиш ва юк айланмаси [12]

Кўрсаткичлар	2014-й	2015-й	2016-й	2017-й	2018-й
Жўнатилган юклар, млн.т.	1 000,4	1 070,5	1 132,5	1 146,2	1 243,0
Шу жумладан, темир йўл орқали	65,7	67,2	67,6	67,9	68,4
Юк айланмаси, млрд.т-км	66,2	65,8	65,3	66,9	71,3
Шу жумладан, ҳаво йўли млн.т-км	125,1	131,1	132,2	156,9	123,5

Мамлакатимизда жўнатилган юклар 2014-йилда 1000,4 млн.тоннани ташкил этиб, мазкур кўрсаткич 2018-йилда 1243 млн.тоннани ташкил этганлигини қўриш мумкин. Темир йўл орқали ташилган юклар эса 2014-йилда

65,7 млн.тонна, 2017 ва 2018-йилларда мос равища 67,9 ва 68,4 млн.тоннани ташкил этди.

Иқтисодий адабиётларда логистикани “иктисодиётнинг ишлаб чиқариш инфратузилмаси” [6] деган таърифлар ҳам келтирилган.

Корхоналарнинг узлуксиз иш олиб бориши учун ўз вактида хомашё билан таъминланиб турилиши, тайёр маҳсулот истеъмолчиларга ўз вактида етиб бориши зарур. Корхоналарнинг хомашё билан таъминланиши, тайёр маҳсулот корхоналардан чиқиб, истеъмолчиларга етиб бориш жараёнлари бевосита логистика ёрдамида амалга оширилади. Юқорида келтирилган расмдан ҳам логистикани маҳсулотни ишлаб чиқаришдан бошлаб, уни трқатиш, сақлаш, транспорт, юклаш-тушуриш, маркетинг ва истеъмол қилиш жараёнларида иштирок этишини кўриш мумкин.

Туризмда логистика – бу турни шакллантириш жараёнида амалга ошириладиган операцияларни режалаштириш, бошқариш ва туристик тайёр маҳсулотни истеъмолчига унинг манфаатлари ва талабларига мувофиқ равища етказиш, шунингдек, тегишли маълумотларни узатиш, сақлаш ва қайта ишлаш фаолиятидир.

Туристик корхонанини бошқариш иқтисодий оқимларни оптималлаштириш учун логистика тизимини ривожлантиришни талаб этадиган ва корхонанинг молиявий натижаларига сезиларли таъсир қўрсатадиган жуда мураккаб жараён ҳисобланади.

Туристик корхоналарнинг логистика тизими қўйидаги таркибий қисмлардан таркиб топади:

- ахборот - туристик режалаштириш, буюртмаларни қабул қилиш ва қайта ишлаш, талабни прогнозлаш;
- сайёҳларни ташиш - транспорт турини ва транспорт корхонасини танлаш;
- сайёҳларга хизмат кўрсатувчи ходим (кадр)лар;
- хизмат кўрсатиш - турларни шакллантириш ва мижозларга хизмат кўрсатадиган логистика бўлимлари [9].


Логистика тизимининг ахборот қисми туристик режалаштириш жараёни амалга оширишни кўзда тутади. Бунда буюртмаларни қабул қилиш, қайта ишлаш ҳамда мавжуд талабни таҳлил қилиш ва потенциал талаб ҳақида прогноз амалга оширилади. Сайёҳларни ташиш қисмида эса уларга хизмат кўрсатадиган мақбул транспорт тури ва ташув хизматини таклиф этаётган транспорт корхонаси танланади. Мижозларга хизмат кўрсатадиган кадрларнинг салоҳияти, малакаси ва тажрибаси туризмда логистик тизимнинг амал қилишида муҳим ўринга эга. Логистика тизимининг хизмат кўрсатиш қисми турларни шакллантириш ва мижозларга турли хизматларни кўрсатувчи логистик бўлимларни назарда тутади.

Юқорида кўрсатилган туризм корхоналари учун логистика тизимининг таркибий қисмлари фаолият кўрсатиши учун бир неча қуи тизимларни хизмат қиласи. Булар, туристик маҳсулотларни бошқариш қуи тизими, транспорт ташкилотлари билан алоқалар, меҳмонхоналарни бошқариш қуи

тизими, ходимларни бошқариш қуий тизими, ахборот оқимларини бошқариш қуий тизими ва молиявий кичик тизимдир.

Кейинги йилларда, логистика нафақат моддий оқимларни, балки хизмат оқимларини бошқариш фаолияти ҳамдир. Туризмдаги хизматлар оқими қаторига транспорт, туар жой, туристларнинг овқатланиши, экскурсия хизматлари, шунингдек, саёҳат мақсадидан келиб чиқкан ҳолда қўрсатиладиган таржимонлар ва бошқа хизматлар киради.

Туризмда логистика фаолиятининг қуийдаги асосий функциялари мавжуд:



2-расм. Туризмда логистика фаолиятининг функциялари[11].

Расмда қўрсатилганидек, туризмда логистиканинг асосий функциялари туристик маҳсулотни шакллантириш, силжитиш ва сотиши ташкил қилиш, ўйналишларни оптималлаштириш ва сайёҳларнинг ҳаракатини ҳамда туристик маҳсулотни бошқариш усусларини такомиллаштириш, туристик маҳсулотларини этказиб берувчилар ва истеъмолчилар ўртасида тезкор маълумот алмашинувини ташкил этиш; режалаштириш, прогнозлаш ва молиявий оқимларни бошқариш кабиларни ўз ичига олади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, туризмда логистика фаолиятини ривожлантириш қўрсатиладиган туристик хизматларнинг сифатини ва ишлаб чиқариладиган

туристик маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради. Яна шуни таъкидлаш жоизки, логистик технологиялардан туризмда кенг фойдаланиш нафақат туризм учур, қолаверса бошқа соҳаларнинг ҳам ривожланиши учун ижобий омилдир.

Туризмда логистика технологияларини жорий қилиш ва улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш куйидагиларни амалга оширишга имкон беради:

- туристик маҳсулотнинг шаклланиши ва ҳаракатини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг ягона тизимини яратиш;
- туристик маҳсулотни шакллантириш, реклама қилиш ва сотиш вақтларини қисқартириш;
- молиявий ва ахборот оқимларини ҳисобга олиш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштириш;
- туристик маҳсулотлар учун вақтни қисқартириш ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш;
- тизимда айланадиган ҳужжатлар ҳажмини камайтириш ва бухгалтерия ҳисоби ва ҳисбот ҳужжатларидағи хатолар сонини камайтириш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси. <http://lex.uz/docs/4143188>
2. Новиков Д.Т. Логистика туристического предприятия: учеб. Пособие // Д.Т. Новиков, И.А. Соколов. - М.: изд-во Российской экономической академии им. Г.В. Плеханова, 2006. - 72 с.; Гвозденко А.А. Логистика в туризме: учеб. Пособие // А.А. Гвозденко. - М.: Финансы и статистика, 2004. - 272 с.
3. Сафарова Н.Н. Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига туризм соҳаси таъсирини баҳолаш усулларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. Т.: 2019.
4. Абиев Ж.Н. Миллий иқтисодиётда туризм тармоғини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. Самарқанд, 2019.
5. Таирова М.М. Тадбиркорлик логистикасининг ташкилий-бошқарув жабхалари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. Т.: 2008.
6. Дадабоев Қ.А. Логистика. Ўқув қўлланма. Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007.
7. Умарова Д.М., Бўронова М.А. Логистика. Ўқув қўлланма. Т.: 2016.
8. Қориева Ё.К. Глобаллашув жараёнида халқаро транспорт логистик тизими фаолиятининг самарадорлиги. Монография. Т.: 2004.

9. Квартальнов В.В. Стратегический менеджмент в туризме: современный опыт управления: Монография. - М.: Финансы и статистика, 2000.
10. Таирова М.М. ФУНКЦИИ ЛОГИСТИКИ В КОНТЕКСТЕ ФУНКЦИЙ МЕНЕДЖМЕНТА И МАРКЕТИНГА //Вопросы экономических наук. – 2014. – №. 3. – С. 88-89.
11. Илмий адабиётлардаги маълумотларни умумлаштириб муаллифлар ишланмаси.
12. www.stat.uz маълумотлар